

## Талабаларга талаблар

Куни кеча 28-февралда “Иқтисодиёт ва менежмент” факультети талабалари билан факультет декани О.Кучаров, декан муовинлари Ж.Турдиев ва У.Алимов, факультет ёшлар етакчиси М.Раҳматова ва гуруҳ раҳбарлари иштирокида талабалар билан учрашув ўтказишди.

Мулоқот давомида замон талабига жавоб берадиган талаба қандай бўлиши керак, ҳозирда юртимизда, институтимизда қандай ўзгаришлар бўлаётгани, ёшларга оид давлат сиёсатининг зарурий қисқача мазмуни, танқидий-таҳлилий мулоҳазалар ва бошқа масалалар ҳақида айтиб ўтилди.

Шунингдек, факультет ёшлар кенгаши томонидан ўтказилаётган лойиҳалар, мусобақалар, семинарлар ҳақида, жумладан Давлар стипендияси бўйича ўтказиладиган тарғибот тадбири, энг яхши гуруҳ ва энг яхши гуруҳ етакчиси танловларининг ўтказилиш тартиби билан ўртоқлашишди.

Тадбир давомида факультет талабаларининг танлама кузатув асосида ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи ўсиши мониторинги натижаларига кўра энг ижобий натижа кўрсатган талабалар, ёш китобхон танлови ғолиблари ва супер етакчи танловининг 1- мавсуми ғолиблари тақдирландилар!



Бу каби талабалар билан ўтказилган дилдан суҳбатлар уларга янги бошланган яримйилликда янада фаол бўлишга руҳлантиради, таълим сифатига ижобий таъсир этади.

**“Иқтисодиёт ва менежмент” факультети талабалари кенгаши сардори**

**Жаҳонгир Саидаҳмедов ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**